**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**БУЙРУҒИ**

2019 йил "4" октябрь №890 Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 823-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 823-сон қарори раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари К.Шарипов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **И.Маджидов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 30 » сентябрь 2019 у.  № 823  Toshkent sh.

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 августдаги ПҚ–3907-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, халқ таълими тизими ходимларининг ижтимоий мавқеи ва нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимлари фаолиятининг натижадорлиги асосида уларни рағбатлантиришнинг шаффоф тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**  **А. Арипов**

UMUMIY BO'LIM № 3

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "30" сентябрдаги
823-сон қарорига
1-илова

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган барча тур ва номдаги умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактаб-интернатларда (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб аталади) ташкил этилади.

**2-боб. Жамғармани ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари**

3. Жамғарма умумтаълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш, педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш, педагог ходимларнинг касб маҳорати ва малакасини оширишини рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида ташкил этилади.

4. Жамғарманинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг (улар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизи) базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш йўли билан уларни моддий рағбатлантириш;

умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш;

тежалган маблағлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маблағлар ҳисобидан ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларини молиялаштириш.

**3-боб. Жамғармани шакллантириш тартиби**

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида белгиланган тартибда назарда тутиладиган бюджет маблағлари Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади.

6. Жамғарма умумтаълим муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида ташкил этилади.

7. Жамғарма маблағлари ҳисобидан устамалар ҳамда бошқа турдаги рағбатлантириш билан боғлиқ тўловлар белгиланган тартибда молия органлари томонидан ходимларга иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда молиялаштиради.

8. Жамғарма маблағлари ҳисобидан тайинланган устамалар, моддий ёрдам ва мукофотлар суммаси умумтаълим муассасасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади. Жамғарма ҳисобидан олинган даромадларга қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинади.

## 4-боб. Педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам беришни ташкил этиш

9. Педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш умумтаълим муассасаларида ташкил этиладиган устамалар белгилаш, моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам бериш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳи деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ишчи гуруҳинингфаолиятига ҳамда улар қабул қиладиган қарорларга аралашишга йўл қўйилмайди.

10. Ишчи гуруҳ умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши қарори асосида, муассаса директорининг буйруғи билан камида етти кишидан иборат тоқ сонда қуйидаги таркибда тасдиқланади:

Ишчи гуруҳи раҳбари – умумтаълим муассасаси директори;

Ишчи гуруҳ аъзолари – ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, касаба уюшмаси қўмитаси раиси, умумтаълим муассасаси педагог ходимлари орасидан ҳамда умумий ўрта таълим муассасаси кузатув кенгаши ва ўқувчиларининг ота-оналаридан вакиллар.

Умумтаълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари – Ишчи гуруҳнинг масъул котиби ҳисобланади.

Ишчи гуруҳ фаолиятида шаффофликни таъминлаш мақсадида ушбу ишчи гуруҳ таркиби ҳар ўқув йили бошлангунга қадар умумтаълим муассасаси педагогик кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилади. Бунда ишчи гуруҳ таркибидаги умумтаълим муассасаси педагог ходимлари, умумий ўрта таълим муассасаси кузатув кенгаши ва ота-оналар вакиллари ҳар йили ўзгартириб борилиши шарт.



11. Ишчи гуруҳ:

Жамғарма маблағларининг тўғри ва самарали сарфланишини режалаштиради ва назорат қилади;

ўқув-тарбия жараёнига шахсий ҳисса қўшаётган, ўз касбига содиқ ва ташаббускор, юқори касб даражасини намоён этаётган педагог, психолог ва кутубхона ходимларини уларнинг фаолиятини ушбу Низомга 1-иловадаги баҳолаш мезонлари асосида аниқлайди, базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилайди, умумтаълим муассасаси ходимларини мукофотлайди ҳамда уларга моддий ёрдам белгилайди;

педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасаси ходимларини мукофотлаш ва моддий ёрдам беришда адолат ва холислик принципларига амал қилади.

12. Ишчи гуруҳ ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

*а) Жамғарма маблағларининг тўғри ва самарали сарфланишини режалаштириш ва назорат қилиш бўйича:*

базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгиланган педагог, психолог ва кутубхона ходимлари сони умумтаълим муассасасида фаолият кўрсатаётган жами педагог, психолог ва кутубхона ходимлари умумий сонининг 50 фоизидан ошиб кетмаслигини назорат қилади;

ҳар йили 1 июлга қадар умумтаълим муассасасининг ҳар бир педагог, психолог ва кутубхона ходимлари фаолиятини баҳолайди ва навбатдаги ўқув йили учун юқори натижа кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимлари базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама миқдорини белгилайди;

ўқув йили давомида базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгиланган педагог ва кутубхона ходимлари фаолиятининг натижадорлиги бўйича тизимли ички мониторинг юритади;

умумтаълим муассасаси педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг фаолияти натижалари асосида базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устамаларни сақлаб қолиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, зарур ҳолларда, устамалар миқдорига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади, қабул қилинган қарор ҳақида педагогик кенгашда ахборот беради;

*б) ўқув-тарбия жараёнига шахсий ҳисса қўшаётган, ўз касбига содиқ ва ташаббускор, юқори касб даражасини намоён этаётган ўқитувчилар ва кутубхона ходимларини уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида аниқлаш, базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасаси ходимларини мукофотлаш ҳамда уларга моддий ёрдам белгилаш бўйича:*

умумтаълим муассасаси педагог, психолог ва кутубхона ходимлари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилади ва баҳолайди;

янги ўқув йили бошлангунига қадар умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши мажлисида Жамғарма ҳисобидан тегишли педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш тўғрисидаги қарори юзасидан ахборот беради;

умумтаълим муассасалари ходимларига уларнинг мурожаатлари ёки касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббусига кўра моддий ёрдам белгилайди;

*в) педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасаси ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам беришда адолат ва холислик принципларига амал қилиш бўйича:*

Ўкитувчи таълим-тарбия бераётган ўқувчиларининг билими, малакаси ва кўникмаларининг муайян синф ва ўқув фани бўйича умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини синф журналидаги қайдлар орқали таҳлил қилади;

мукофотланадиган ва моддий ёрдам кўрсатиладиган ходимларни, шунингдек, рағбатлантириш миқдорини аниқлайди.

13. Ишчи гуруҳнинг устама ҳақ белгилаш бўйича мажлислари бир йилда камида бир марта, истисно ҳолларда заруратга кўра, ўтказилади.

Зарур ҳолларда, ишчи гуруҳ раисининг ташаббуси ёки ишчи гуруҳ аъзоларидан камида икки нафарининг таклифига кўра ходимларни мукофотлаш, базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама ҳақларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ходимнинг мурожаати ёки бошланғич касаба уюшмасининг ташаббуси билан моддий ёрдам бериш ҳақидаги масалада ишчи гуруҳнинг навбатдан ташқари мажлиси чақирилиши мумкин.

Педагог ходимларнинг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларига мукофотлар бериш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишчи гуруҳ мажлиси қарори билан очиқ муҳокама орқали ҳамда умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши фикрларини ҳисобга олиб, Жамғармада назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

14. Ишчи гуруҳ мажлисини ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ишчи гуруҳ масъул котиби томонидан тайёрланади ҳамда мажлисга уч кун муддат қолганда ишчи гуруҳ раҳбар ва аъзоларига тақдим этилади.

Ишчи гуруҳ масъул котиби ҳужжатларнинг юритилиши ва сақланишини таъминлайди.

15. Ишчи гуруҳ мажлислари ишчи гуруҳ аъзолари умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Бунда касаба уюшмаси ва умумтаълим муассасаси ота-оналар қўмитаси вакилларининг иштироки мажбурий ҳисобланади.



Ишчи гуруҳ қарори ишчи гуруҳ аъзоларининг оддий кўпчилик овоз бериши йўли билан қабул қилинади. Ишчи гуруҳ раҳбари барча аъзолардан сўнг овоз беради. Овозлар сони тенг бўлиб қолганда, ишчи гуруҳ раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Ишчи гуруҳ аъзосининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, уни мукофотлаш ёки унга моддий ёрдам белгилаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётган бўлса, ишчи гуруҳнинг мазкур аъзоси масалани кўриб чиқиш жараёнида иштирок этмайди ҳамда бу ҳақида ишчи гуруҳ мажлиси баённомасида қайд этилади.

16. Ишчи гуруҳнинг қарори мажлисда иштирок этган унинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган баённома шаклида расмийлаштирилади ҳамда умумтаълим муассасасининг муҳри қўйилади.

Ишчи гуруҳ баённомаларини расмийлаштириш учун алоҳида умумий дафтар юритилади, дафтар юқори ташкилот томонидан тикилади ва ушбу ташкилот раҳбари томонидан саҳифаланиб имзоланади.

Ишчи гуруҳ мажлисининг баённомаси махсус дафтарга қайд этилади ва ундан кўчирма юқори турувчи органга юборилади.

Умумтаълим муассасаси педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатишнинг тўғри, холис ва адолатли амалга оширилиши учун жавобгарлик Ишчи гуруҳ раҳбари зиммасига юклатилади.

17. Жамғарма маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаси педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш, мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш тўғрисида Ишчи гуруҳнинг қарори асосида умумтаълим муассасаси директорининг буйруғи чиқарилади.

18. Умумтаълим муассасасининг ҳаммага кўринадиган жойидаги ахборотлар стенди ҳамда мактабнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида Ишчи гуруҳнинг қарори тўғрисида тўлиқ маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилади.

## 5-боб. Ишчи гуруҳга ҳужжатларни тақдим этиш

19. Базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама белгилаш учун Ишчи гуруҳ масъул котиби томонидан устама ҳақ олишга даъвогар педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг аризаларига мувофиқ улар ҳақида умумий ва фаолияти мазкур Низом билан тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланган таҳлилий маълумотлар ушбу Низомга 2 ва 2а-иловалардаги жадваллар шаклида Ишчи гуруҳга тақдим қилинади.

### 6-боб. Педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама белгилаш

20. Педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар тарбиявий жараённинг амалга оширилиш сифати ва самарадорлигига, синфдан ташқари ишларга ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва меҳр-оқибат руҳида тарбиялашга, тегишли синфлар ва ўқув фанлари учун тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида назарда тутилган билимлар ва кўникмалар тўлиқ ҳажмининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши даражасига ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун 40 фоизгача миқдорда белгиланади.

21. Педагог ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида тўплаган умумий баллари бўйича уларга қуйидаги миқдорларда устама ҳақ белгиланади:

65-70 балл тўпласа – 10 фоиз;
71-75-балл тўпласа – 15 фоиз;
76-80 балл тўпласа – 20 фоиз;
81-85 балл тўпласа – 25 фоиз;
86-90 балл тўпласа – 30 фоиз;
91-95 балл тўпласа – 35 фоиз;
96-100 балл тўпласа – 40 фоиз.

Умумтаълим муассасалари педагог ходимларининг базавий тариф ставкаларига Жамғарма ҳисобидан ҳар ойлик устамалар янги ўқув йили учун ўтган ўқув йили якунлари бўйича белгиланади.

22. Кутубхона ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида тўпланган умумий баллари бўйича уларга қуйидаги миқдорларда устама ҳақ белгиланади:

65-75 балл тўпласа – 10 фоиз;
76-85-балл тўпласа – 15 фоиз;
86-100 балл тўпласа – 20 фоиз;

Умумтаълим муассасалари кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкаларига Жамғарма ҳисобидан ҳар ойлик устамалар янги ўқув йили учун ўтган ўқув йили якунлари бўйича белгиланади.

23. Психолог ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида тўпланган умумий баллари бўйича уларга қуйидаги миқдорларда устама ҳақ белгиланади:

65-75 балл тўпласа – 10 фоиз;
76-85-балл тўпласа – 15 фоиз;
86-100 балл тўпласа – 20 фоиз;



Умумтаълим муассасалари психолог ходимларининг базавий тариф ставкаларига Жамғарма ҳисобидан ҳар ойлик устамалар янги ўқув йили учун ўтган ўқув йили якунлари бўйича белгиланади.

24. Умумтаълим муассасасидаги педагог ходимлар олий ёки ўрта махсус маълумотга эга эканлигидан қатъий назар, мазкур Низомга иловада келтирилган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади ва кўрсаткичларига кўра Ишчи гуруҳ қарори асосида базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгиланади.

### 7-боб. Умумтаълим муассасалари ходимларига белгиланадиган устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турлари

25. Умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари фаолияти давомида юқори натижалар кўрсатган тақдирда, мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган устамалар ўрнига базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 100 фоиз бўлган устама ҳақ олишлари мумкин.

Ҳар ойлик базавий тариф ставкаларига нисбатан 100 фоизлик устама ҳақ олишга даъвогар педагог ходимлар рўйхати Ишчи гуруҳнинг қарори асосида шакллантирилади ҳамда умумтаълим муассасаси директори томонидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига 1 апрелга қадар тақдим этилади.

100 фоизлик устама ҳақ олишга даъвогар педагог ходимларнинг машғулот олиб борадиган фанлари бўйича ўқувчиларнинг билимлари халқаро баҳолаш дастурлари интеграция қилинган, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан тайёрланган назорат материаллари асосида ўтказиладиган синовлар натижаларига кўра, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан ташқи мониторинг тарзида баҳоланади ҳамда 100 фоизлик устама ҳақ олиш ҳуқуқини қўлга киритган педагог ходимлар (устама олиш даврида) шартли равишда "Аъло даражали" педагоглар деб юритилади.

Даъвогар ўқитувчи дарс машғулотлари олиб борадиган синфларнинг 30 фоизи туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг ташқи мониторинг жараёнида қамраб олиниши шарт.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг ташқи мониторинг натижаларига кўра, ўқувчилар 80 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткичга эга бўлганда, Ишчи гуруҳ томонидан ўқитувчига янги ўқув йилидан бошлаб базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 100 фоиз устама ҳақ белгиланади.

26. Умумтаълим муассасасида ўқув-тарбия жараёни сифатини янада яхшилаш, педагог ходимларга ўз вақтида методик ёрдамни ташкил этишда фаоллиги учун Ишчи гуруҳнинг қарори билан (мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган ўқитувчилар умумий сонининг 50 фоизидан ташқари) умумтаълим муассасасининг фан йўналишлари бўйича услубий бирлашмалари раҳбарлари базавий тариф ставкаларига 5 фоиз ҳар ойлик устама ҳақ белгиланиши мумкин.

Бунда фан йўналишлари бўйича услубий бирлашма раҳбарига ўқитувчилиги билан бирга қўшиб ҳисоблаганда Жамғарма ҳисобидан бериладиган базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама ҳақ 40 (ёки 100) фоиздан ошмаслиги лозим.

27. Умумтаълим муассасасининг раҳбар ходимларига (директорнинг ўқув ишлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари) ва ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ўқитувчиларга мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди.

28. Умумтаълим муассасалари педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкаларига Жамғарма ҳисобидан ҳар ойлик устамалар ҳар йили 1 июлга қадар белгиланади ва ўқув йилининг ярим йиллик якунлари бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

29. Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун ҳамда республикамизда нишонланадиган байрам саналари муносабати билан уларга календарь йили давомида жами икки лавозим маошигача миқдорда мукофот пули тўлаш йўли билан моддий рағбатлантирилади.

Ушбу тўловлар Жамғарма маблағлари доирасидан келиб чиққан ҳолда, йилига бир неча маротаба амалга оширилиши мумкин.

30. Халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишинча қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама ҳақ тўланади.

31. Ишчи гуруҳ ўқитувчига ўқувчиларининг халқаро олимпиадаларидаги натижалари учун устама белгилашда, халқаро олимпиадаларнинг совриндорлигини тасдиқловчи диплом (сертификат) асосида қарор қабул қилади.

32. Президент мактабларининг 5-синфига танлов асосида қабул қилинган ўқувчиларининг бошланғич синф ўқитувчилари мазкур низомнинг 28-бандидан ташқари Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий тариф ставкасининг икки баробари миқдорида бир марталик мукофот пули тўлаш йўли билан рағбатлантирилиши мумкин.

33. Умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки умумтаълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда).

34. Умумтаълим муассасаси раҳбарига Жамғарма маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш юқори турувчи ташкилот тавсияси асосида берилиши мумкин.



## 8-боб. Якунловчи қоида

35. Ушбу Низом юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

## Педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг фаолиятини БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1. Ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар уларнинг касбий маҳорати, маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун қуйидаги мезонлар асосида устама ҳақ белгиланади:

| Кўрсаткичлар | Амалга оширилган аниқ ишларнинг қисқача таърифи, унинг натижалари (самарадорлиги), қўлланилаётган шакли ва услуби, ўтказилган машғулотларнинг сони, ўқувчилар қамровининг ўртача сони | Рейтинг баҳоси | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Максимал балл | Фаолият натижаларига кўра қўйиладиган баллар | Кўрсаткичлар |
| Синф журналларидаги чораклик баҳоларнинг ўртача қиймати | Жорий ва оралиқ назорат баҳолар асосида чораклик, шунингдек, йиллик баҳолари ўртача қиймати, ўзлаштиришнинг сифат ("4" ва "5" баҳо) кўрсаткичи. | 5 | 0 | Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 0-55 фоизини ташкил этганда. |
| | | | 3 | Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 56-70 фоизини ташкил этганда |
| | | | 4 | Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 71-85 фоизини ташкил этганда |
| | | | 5 | Сифат кўрсаткичи умумий ўқувчилар сонининг 86-100 фоизини ташкил этганда |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **"Фан олимпиадаси", "Билимлар беллашуви" ва бошқа кўрик танловлар, мусобақаларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчисининг иштироки | Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги, ўқувчиларнинг олимпиада, кўрик-танловлар, мусобақаларда ва бошқа тадбирларда иштироки, ушбу тадбирларнинг ўтказилиш босқичлари (мактаб, туман, шаҳар ва бошқаларда) кўрсатилган ҳолда қамраб олинган ўқувчилар сони ва эришилган натижалар, ўқувчилар учун ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. | 20 | 0 | Танловларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчиси тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 0-55 фоизини ташкил этганда |
| | | | 10 | Танловларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчиси тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 56-70 фоизини ташкил этганда |
| | | | 15 | Танловларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчиси тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 71-85 фоизини ташкил этганда |
| | | | 20 | Танловларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчиси тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 86-100 фоизини ташкил этганда |
| **Бошланғич синф ўқитувчиларининг фаоллиги, умумтаълим муассасасидаги кичик танловлар, тадбирларда ўқувчилари билан фаол қатнашиши | Бошланғич синф ўқитувчиларининг фаоллиги, умумтаълим муассасасидаги кичик танловлар, туман (шаҳар) миқёсидаги семинар ва тадбирларда ўқувчилари билан фаол қатнашиши натижалари асосида амалга оширилади. | 20 | 0 | Ўқитувчининг фаоллик кўрсаткичи ҳамкасбларига нисбатан 0-55 фоизини ташкил этганда. |
| | | | 10 | Очиқ дарсларнинг самарадорлиги, мактабда ўтказилган танловларда ўқувчилари тўплаши мумкин бўлган максимал баллнинг улуши 55-70 фоизини ташкил этганда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | сертификатга эга бўлмаса |
| | | | 5 | Ўз вактида малака ошириш курсларидан ўтиб, тегишли сертификатга эга бўлса*** |
| Синфдан ташқари ишлари ва тўгарак машғулотларининг самарадорлиги. | Фан тўгараклари ва спорт секциялари номи, тўгаракларга жалб қилинган ўқувчилар сони, бўш ўзлаштирувчи ва иқтидорли ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ташкил этилиши, ўқувчилар томонидан тайёрланган ишларнинг сифати, тўгарак иштирокчиларининг турли мусобака, кўрик ва танловларда иштироки натижалари, ўқувчиларнинг спорт секциялари ҳамда мунтазам спорт машғулотлари билан қамраб олиниши, ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича тадбирлар рўйхати ва қамраб олинган ўқувчилар сонига кўра | 5 | 3 | Фақатгина бўш ўзлаштирувчи ва иқтидорли ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар олиб борса |
| | | | 5 | Дарс ўтадиган синфларидаги ўқувчиларнинг 30 фоиз ва ундан ортиғини қўшимча машғулотларга (тўгараклар, секциялар) жалб этган ва сезиларли натижаларга эришган бўлса |
| Илмий-ижодий ишлари. | Баҳоланаётган ўқув йилида оммавий ахборот воситалари, таълимга оид веб-сайтлардаги чиқишлари, илмий-методик журналлардаги ҳамда турли конференцияларда мақолалар, тезислар, концепциялар, истиқболли режалари билан қатнашиш орқали таълим-тарбия жараёнини янада яхшилашга оид ташаббуслари. | 15 | 5 | Туман миқёсида камида 2 марта |
| | | | 10 | вилоят**** миқёсида камида 2 марта |
| | | | 15 | республика миқёсида камида бир марта |
| Умумтаълим муассасасининг жамоаси, ота-оналар ва ўқувчиларнинг ўқитувчи фаолиятига берган | Ўқитувчининг фаолияти даврида ўқувчилари, ота-оналар ва жамоадаги ўзаро муносабати, ишдаги натижалари, дарсларга тайёргарлиги ва фидойилиги юзасидан улар | 15 | 5 | Сўровномада қатнашганлар сонига нисбатан "яхши" ва "аъло" кўрсаткичлар 55-70 фоиз |
| | | | 10 | Сўровномада |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| баҳоси | ўртасида ўтказилган сўровнома ("қониқарсиз", "қониқарли", "яхши", "аъло") натижалари | | | қатнашганлар сонига нисбатан "яхши" ва "аъло" кўрсаткичлар 71-85 фоиз |
| | | | 15 | Сўровномада қатнашганлар сонига нисбатан "яхши" ва "аъло" кўрсаткичлар 86-100 фоиз |
| **МАКСИМАЛ БАЛЛ:** | | 100 | | |

** фақат юқори синф (10-11-синф) ўқитувчилари фаолиятини баҳолашда қўлланилади;*

***фақат бошланғич синф (1-4-синф) ўқитувчилари фаолиятини баҳолашда қўлланилади;*

****ўқитувчи бир нечта фандан дарс берган тақдирда, унинг фаолияти ҳар бир фан бўйича алоҳида баҳоланади;*

*****вилоят - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тушунилади*

2. Умумтаълим муассасаларидаги кутубхона ходимларининг фаолияти 100 баллик тизимда қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

| Т/р | Мезонлар | Максимал балл | Фаолият натижаларига кўра қўйиладиган баллар | Кўрсаткичлар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Кутубхона бўйича мутахассислик маълумотига эга бўлиши. | 10 балл | 0 | Номутахассис ўрта ва ўрта-махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлса |
| | | | 5 | Номутахассис, лекин олий педагогик маълумотга эга бўлса |
| | | | 10 | Олий маълумотли мутахассис бўлса |
| 2. | Ўз вақтида малака оширишдан ўтганлиги. | 5 балл | 0 | Ўз вақтида малака ошириш курсларидан ўтмаган ёки навбатдаги малака ошириш курсларидан ўтиб, тегишли сертификатга эга бўлмаса |
| | | | 5 | Ўз вақтида малака ошириш курсларидан ўтиб, тегишли сертификатга эга бўлса |
| 3. | Кутубхоначи лавозимидаги иш стажи. | 20 балл | 5 | Умумтаълим мактабларида иш стажи 3 йилгача |
| | | | 10 | Умумтаълим мактабларида иш стажи 4-8 йил |
| | | | 15 | Умумтаълим |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | мактабларида иш стажи 9-15 йил |
| | | | 20 | Умумтаълим мактабларида иш стажи 16 йил ва ундан кўп |
| 4. | Мактабда дарслик ва ўқув-методик адабиётларга бўлган эхтиёжга кўра буюртмаларнинг тўғри шакллантирилиши ва ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси. | 20 балл | 0 | Дарсликлар билан таъминланганлик 80 фоиздан паст бўлса |
| | | | 5 | Дарсликлар билан таъминланганлик 80-85 фоиз оралигида бўлса |
| | | | 10 | Дарсликлар билан таъминланганлик 86-90 фоиз оралигида бўлса |
| | | | 15 | Дарсликлар билан таъминланганлик 91-95 фоиз оралигида бўлса |
| | | | 20 | Дарсликлар билан таъминланганлик 96-100 фоиз оралигида бўлса |
| 5. | Педагоглар ва умумтаълим муассасасида фаолият кўрсатаётган бошқа ходимларнинг кутубхонага жалб қилиниши. | 15 балл | 5 | Ҳар ойда умумий педагог ва ишчи-ходимларнинг 55-75 фоиз фаол фойдаланса |
| | | | 10 | Ҳар ойда умумий педагог ва ишчи-ходимларнинг 76-85 фоиз фаол фойдаланса |
| | | | 15 | Ҳар ойда умумий педагог ва ишчи-ходимларнинг 86-100 фоиз фаол фойдаланса |
| 6. | Таълим муассасаси миқёсида оммавий тадбирларни юқори даражада ўтказиб, мактаб кутубхона фондини бойитишдаги ташаббускорлиги | 15 балл | 5 | Ўқув йили давомида мактаб миқёсида камида бир маротаба тадбир ташкил этса |
| | | | 10 | Кутубхона фондини бойитишда ташаббускорлик кўрсатса ва ўқув йили давомида тўрттагача мактаб миқёсида тадбирлар ташкил этса |
| | | | 15 | Туман миқёсида фаолият йўналишида танловларда фаол иштирок этса, кутубхона фондини |



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | бойитишда жонбозлик кўрсатса ва ўқув йили давомида ҳар ойда камида бир марта мактаб миқёсида тадбирлар ташкил этса |
| 7. | Кутубхона ходимининг фаолияти даврида ўқувчилар, ота-оналар ва жамоадаги ўзаро муносабати, иш натижалари, касбига фидойилиги юзасидан улар ўртасида ўтказилган сўровнома ("қониқарсиз", "қониқарли", "яхши", "аъло") натижалари | 15 балл | 5 | Сўровномада қатнашганлар сонига нисбатан "яхши" ва "аъло" кўрсаткичлар 55-70 фоиз |
| | | | 10 | Сўровномада қатнашганлар сонига нисбатан "яхши" ва "аъло" кўрсаткичлар 71-85 фоиз |
| | | | 15 | Сўровномада қатнашганлар сонига нисбатан "яхши" ва "аъло" кўрсаткичлар 86-100 фоиз |
| МАКСИМАЛ БАЛЛ: | | 100 | | |

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

__________ тумани (шаҳри) _____-сон мактабнинг ____________________ фани ўқитувчиси
__________________________________ нинг 20__ - 20___ ўқув йилидаги фаолиятига
**Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом асосида берилган**

**БАҲОЛАР**

| Кўрсаткичлар | Максимал балл | Ўқитувчи фаолиятининг қисқача тавсифи | Фаолият натижаларига кўра қўйилган балл |
|---|---|---|---|
| Синф журналларидаги чораклик баҳоларнинг ўртача қиймати | 5 | | |
| "Фан олимпиадаси", "Билимлар беллашуви" ва бошқа кўрик танловлар, мусобақаларнинг туман (шаҳар) босқичида ўқувчисининг иштироки* | 20 | | |
| Бошланғич синф ўқитувчиларининг фаолияти, бошланғич синф ўқувчиларининг умумтаълим муассасасидаги кичик танловлар, тадбирларда ўқувчилари билан фаол қатнашиши** | | | |
| Ўқитувчи иш тажрибасининг мактаб, туман, вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилганлиги. | 10 | | |
| Педагогик иш стажи. | 10 | | |
| Синф раҳбарлиги самарадорлиги. | 15 | | |
| Ўз вақтида малака оширишдан ўтганлиги. | 5 | | |
| Синфдан ташқари ишлари ва тўгарак машғулотларининг самарадорлиги. | 5 | | |
| Илмий-ижодий ишлари. | 15 | | |
| Умумтаълим муассасаси жамоаси, ота-оналар ва ўқувчиларнинг ўқитувчи фаолиятига берган баҳоси. | 15 | | |

Ишчи гуруҳ раиси: ____________________
Ишчи гуруҳ аъзолари: ____________, ____________, ____________, ____________

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-илова

__________ тумани (шаҳри) _____-сон мактабнинг кутубхона ходими
__________________________________ нинг 20__ - 20___ ўқув йилидаги фаолиятига
**Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом асосида берилган**

**БАҲОЛАР**

| Кўрсаткичлар | Максимал балл | Кутубхона ходими фаолиятининг қисқача тавсифи | Фаолият натижаларига кўра қўйилган балл |
|---|---|---|---|
| Кутубхона бўйича мутахассислик маълумотига эга бўлиши | 10 | | |
| Ўз вақтида малака оширишдан ўтганлиги. | 5 | | |
| Кутубхонани лавозимидаги иш стажи. | 20 | | |
| Мактабда дарслик ва ўқув-методик адабиётларга бўлган эҳтиёжга кўра буюртмаларнинг тўғри шакллантирилиши ва ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси. | 20 | | |
| Педагоглар ва умумтаълим муассасида фаолият кўрсатаётган бошқа ходимларнинг кутубхонага жалб қилиниши. | 15 | | |
| Таълим муассасаси миқёсида оммавий тадбирларни юқори даражада ўтказиб, мактаб кутубхона фондини бойитишдаги ташаббускорлиги. | 15 | | |
| Кутубхона ходими фаолияти даврида ўқувчилар, ота-оналар ва жамоадаги ўзаро муносабати, ишдаги натижалари, касбига фидойилиги юзасидан улар ўртасида ўтказилган сўровнома ("қониқарсиз", "қониқарли", "яхши", "аъло") натижалари. | 15 | | |

Ишчи гуруҳ раиси: ____________________
Ишчи гуруҳ аъзолари: ____________, ____________, ____________, ____________

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўринак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

____________ тумани (шаҳри) _____-сон мактабининг психолог ходими
_______________________________ нинг 20__ - 20 __ ўқув йилидаги фаолиятига
Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўринак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом асосида берилган

**БАҲОЛАР**

| Кўрсаткичлар | Максимал балл | Психолог фаолиятининг қисқача тавсифи | Фаолият натижаларига кўра қўйилган балл |
|---|---|---|---|
| Психология бўйича мутахассислик маълумотига эга бўлиши. | 10 | | |
| Ўз вақтида малака оширишдан ўтганлиги. | 10 | | |
| Психолог лавозимидаги иш стажи. | 20 | | |
| Психолог иш тажрибасининг мактаб, туман, вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилганлиги. | 20 | | |
| Синфдан ташқари коррекцион ва ривожлантирувчи машғулотлар | 10 | | |
| Иш фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши. | 5 | | |
| Илмий-ижодий ишлари. | 10 | | |
| Умумтаълим муассасаси жамоаси, ота-оналар ва ўқувчиларнинг психолог фаолиятига берган баҳоси. | 15 | | |

Ишчи гуруҳ раиси: ______________________
Ишчи гуруҳ аъзолари: ______________________

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўринак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўринак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини амалиётга жорий этиш**
**СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Мактаб | Мактаб педагогик кенгаш қарори, муассаса директорининг буйруғи билан умумтаълим муассасалари ходимларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш бўйича мактаб ҳузурида Ишчи гуруҳ тасдиқланади. | Доимий. Ҳар янги ўқув йили бошлангунга қадар |
| 2-босқич | Ишчи гуруҳ | Мактабда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ҳамда кутубхона ходимларининг фаолиятини тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқиб баҳолайди ва 10 фоиздан 40 фоизгача базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилади.<br>Умумтаълим муассасаларининг ўринак кўрсатган ходимларини йил давомида жами икки лавозим маоши миқдорида мукофот тўлаш ҳақидаги қарорлар қабул қилади.<br>Умумтаълим муассасалари ходимларига уларнинг мурожаатлари ёки касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббусига кўра моддий ёрдам белгилайди. | Ҳар йили 1 ноябрга қадар<br>Ходимлар билан чорак якунида.<br>Мурожаатга асосан |
| 3-босқич | Ишчи гуруҳ | Ҳар ойлик базавий тариф ставкаларига нисбатан 100 фоизлик устама ҳақ олишга даъвогар ўқитувчилар рўйхатини кўриб чиқиб, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этади.<br>Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган имтиҳонларнинг тарзида баҳолаш натижалари асосида ҳар ойлик базавий тариф ставкаларига нисбатан 100 фоиз устамалар белгиланади. | Ҳар йили 1 ноябрга қадар |
| 4-босқич | Ишчи гуруҳи | Ҳудудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаганлиги учун Умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларини директор жамғармаси ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади. | Фан олимпиадалари якунларига кўра |
| 5-босқич | Мактаб | Ишчи гуруҳнинг қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан мактаб директорининг буйруғини чиқаради. | Доимий |
| 6-босқич | Мактаб | Умумтаълим муассасасининг ҳамма кўринадиган жойидаги эълонлар стенди ҳамда мактабнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида Ишчи гуруҳнинг қарори тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. | Доимий |
| 7-босқич | Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими | Ишчи гуруҳнинг қарорлари асосида қабул қилинган мактаб директорининг буйруғига мувофиқ умумтаълим муассасалари ходимларига ҳар ойлик устамалари, мукофот ва моддий ёрдам пулларини тўлаб беради. | Доимий |

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "30" сентябрдаги 823-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида" 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 63-модда) 2-бандининг тўртинчи хатбоши ва қарорга 4-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" 2011 йил 20 июндаги 183-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 56-модда) илова 9-бандининг "г" кичик банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида" 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1-илованинг 78-банди.

UMUMIY BO'LIM № 3